

**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИРЕКТОР ВА
МУТАХАССИСЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.12/30.12.2019.Ped.80.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ХУШНАЗАРОВА МАЪМУРА НОДИРОВНА

**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИ ТАРБИЯЧИЛАРИНИНГ
КАСБИЙ КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.08 – Мактабгача таълим ва тарбия назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) in
pedagogical sciences**

Хушназарова Маъмура Нодировна

Мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячиларининг касбий
компетенциясини такомиллаштириш..... 3

Хушназарова Маъмура Нодировна

Совершенствование профессиональной компетенции воспитателей
дошкольных образовательных организаций 23

Khushnazarova Mamura Nodirovna

Improving the professional competence of educators in preschool education
organizations 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 50

**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИРЕКТОР ВА
МУТАХАССИСЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.12/30.12.2019.Ped.80.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ХУШНАЗАРОВА МАЪМУРА НОДИРОВНА

**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИ ТАРБИЯЧИЛАРИНИНГ
КАСБИЙ КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.08 – Мактабгача таълим ва тарбия назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2PhD/Ped1733 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетидида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.mdomoi.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Ибрагимова Гулсанам Нематовна педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Расмий оппонентлар:	Рискулова Камола Джуммаевна педагогика фанлари доктори, доцент Закиров Алишер Акбарович психология фанлари номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси Мактабгача таълим ташкилотлари директор ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти ҳузуридаги PhD.12/30.12.2019.Ped.80.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «17» 10 соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100070, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Юсуф Хос Хожиб кўчаси 64-уй. Тел.: (99871)150-01-27; факс: (99871)150-01-27; e-mail: info@mdomoi.uz.)

Диссертация билан Мактабгача таълим ташкилотлари директор ва мутахассисларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100070, Тошкент шаҳри Яккасарой тумани, Юсуф Хос Хожиб кўчаси 64-уй. Тел.: (99871)150-01-27; факс: (99871)150-01-27; e-mail: info@mdomoi.uz.

Диссертация автореферати 2021 йил "___" 13 куни тарқатилди.
(2021 йил "___" _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).



Қ.Т. Олимов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

Д.О. Химматалиев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.д., доцент

Н.Х. Раҳманкулова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида таълим тенденцияларини доимий ривожланиб бориши ва ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар ҳамда илмий-техник ахборотларнинг жадал ривожланиши жамият талаби даражасидаги креатив педагогик малакани ва касбий компетенцияларни эгаллаган тарбиячи-педагогларни тайёрлаш талабини янада оширади. Бу борада ЮНЕСКО Таълим институти (Гамбург, Германия), Халқаро Таълим институти (АҚШ), European Integration (ECSA-Austria) каби нуфузли тадқиқот марказларининг илмий натижалари алоҳида ўрин тутади. Мазкур тадқиқотларда мактабгача таълим жараёни субъектлари фаолиятини ташкил этиш ва уларни мувофиқлаштириш асосида таълим сифатини такомиллаштиришнинг механизмларини аниқлаш, тарбиячи-педагоглар фаолиятини компетенциявий ёндашувлар асосида такомиллаштириш вазифалари ҳал этилмоқда. Шунинг учун таълимга инновацияларнинг жадал кириб келиши тарбиячиларни ўз-устида мустақил ишлашга, илмий-тадқиқот ишларида фаол иштирок этишга жалб этиш орқали уларда касбий компетенцияларни ривожлантириш борасидаги муаммоларга амалий ечим топиш долзарблигича қолмоқда.

Дунёда мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячиларининг касбий компетенциясини ривожлантиришнинг инновацион-дидактик тизимини такомиллаштириш, тарбиячиларнинг касбий компетенциялари мазмунини бойитишга доир интерактив дастурий воситаларни ишлаб чиқиш, касбий-педагогик фаолиятни самарали ташкил этиш жараёнларини ривожлантиришга оид қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Шу нуқтаи назардан педагогик-бенчмаркинг воситасида тарбиячиларни тайёрлаш сифати ва самарадорлигини ошириш, квалитетрик ёндашув асосида касбий фаолият натижасини баҳолаш мезонлари ва индикаторларини такомиллаштириш, мактабгача таълим ташкилотларида компетенциявий ёндашувга асосланган таълим-тарбия жараёнларини ташкил этиш методикасини такомиллаштириш, тарбиячиларнинг касбий фаолиятга ҳос сифатларини ҳамда малака ошириш жараёнида касбий компетенцияларини ривожлантириш, диагностика қилиш ва коррекциялаш заруратини тақозо этади.

Мамлакатимизда мактабгача таълим мазмуни ва кадрлар тайёрлаш жараёнларини илғор хорижий тажрибалар асосида такомиллаштириш ва тарбиячиларда касбий компетенцияларни ривожлантиришга таълим-тарбия жараёнининг муҳим йўналиши сифатида алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу билан бирга тарбиячиларнинг касбий-педагогик фаолиятининг ижтимоий аҳамиятини тўлиқ англанишига эришиш, ижтимоий талаб ва мажбуриятларга масъулиятли муносабатни қарор топтиришнинг педагогик шарт-шароитларини яратиш зарурияти юзага келмоқда. Ўзбекистон

Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “Узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мувофиқ юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш”¹ каби муҳим устувор вазифалар белгилаб берилган. Ушбу устувор вазифаларни амалга оширишда тарбиячиларнинг касбий компетентлигини ривожлантиришнинг педагогик-психологик хусусиятларини аниқлаштириш, касбий компетенцияларни ривожлантиришнинг методик шарт-шароитларини такомиллаштиришни тақозо қилади.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 16 декабрдаги “Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида”ги ЎРҚ-595-сон Қонуни, 2020 йил 23 сентябрдаги “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сон Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2020 йил 29 октябрдаги “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сон фармонлари; 2016 йил 29 декабрдаги “2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2707-сон, 2019 йил 8 майдаги “Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-4312-сон қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 майдаги “Мактабгача таълим муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 391-сон Қарори ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши бўйича бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мактабгача таълим ташкилотларида таълим-тарбия жараёнини ривожлантиришга оид тадқиқотлар юртимиз олимларидан Ф.Р.Қодирова, П.Ю.Супова, Н.Ш.Абдуллаева, Д.А.Абдурахимова, З.Ф.Азизова, Д.Г.Бобоева, Г.А.Бердалиева, М.М.Бердиева, Г.М.Назирова, И.И.Тўйчиева, Н.И.Режаметова, Ф.Н.Вахабова, Г.Э.Джанпеисова, Ш.Содиқова, Д.Ж.Шарипова, Ш.Шодмонова, А.Э.Хўжақулов ва бошқалар томонидан олиб борилган. Педагогларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш масалалари юзасидан Р.Х.Джураев, Н.А.Муслимов, Г.Х.Ибрагимова,

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.// Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами.– Т., 2017. –Б.39.

У.И.Иноятлов, Д.Т.Кенжаева, У.Ш.Бегимқулов, С.Т.Турғунов, М.Т.Мирсолиева, М.А.Умаралиева, М.Т.Хамдамвалар томонидан илмий тадқиқотлар олиб борилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) мамлакатларида касбий компетентлик муаммолари, касбий ўзини-ўзи такомиллаштиришнинг концептуал масалалари В.И.Андреев, А.Арушанова, Н.А.Васильева, Л.М.Волобуева, Н.Ю.Ермилова, О.Л.Зверева, Е.А.Климов, Е.А.Крюкова, Н.В.Кузьмина, Т.Ф.Кузнецова, Л.Н.Митина, Е.И.Пассова, Н.Ю.Посталюк, Н.А.Савотина, Н.В.Тарасова, А.В.Хуторской, И.С.Якиманская каби олимлар томонидан ўрганилган.

Педагогларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш борасида M.Schritger, E.S.Simbirsk, Yu.B.Suvorova, E.Rogers, A.Maslow, W.Hutmacher, F.Herzberg, M.Glozier, D.Bartram каби хорижлик олимлар тадқиқот ишларини олиб борганлар.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат педагогика университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ИТД- I-53. “Узлуксиз таълим тизимида ўрта бўғин бошқарув кадрларини танлаш, тайёрлаш ва ўрнига қўйишга замонавий ёндашувлар” мавзусидаги инновацион лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячиларининг касбий компетенциясини такомиллаштиришга доир таълим ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячиларининг касбий компетенциясини такомиллаштириш жараёнининг моҳияти ва педагогик-психологик хусусиятларини аниқлаштириш;

мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячиларининг касбий компетенциясини ривожлантиришнинг услубий-дидактик таъминотини такомиллаштириш;

мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячиларининг касбий компетенциясини такомиллаштириш жараёнининг методик моделини ишлаб чиқиш;

мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячиларининг касбий компетенциясини ривожлантириш методикасини такомиллаштириш.

тарбиячиларнинг касбий компетенциясини ривожлантириш мезонлари ва даража кўрсаткичларини аниқлаштириш, педагогик тажриба-синов натижаларини математик-статистик қайта ишлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячиларининг касбий компетенциясини такомиллаштиришга йўналтирилган педагогик жараён белгилаб олиниб, тажриба-синов ишларига Фарғона, Самарқанд, Наманган ва Тошкент вилоятлари мактабгача таълим ташкилотларининг 402 нафар респондент-тарбиячилари иштирок этган.

Тадқиқотнинг предмети: мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячиларининг касбий компетенциясини такомиллаштириш жараёни мазмуни, модели ва педагогик шарт-шароитлари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда мавзуга оид илмий манбалар, ўқув-меъёрий ҳужжатлар, ўқув-услубий адабиётларни ўрганиш ва таҳлил қилиш, педагогик кузатув, ижтимоий сўров, мутахассислар фаолиятининг қиёсий таҳлили, педагогик прогностика ва ташҳислаш, синтез, тадқиқот натижаларини математик-статистик қайта ишлаш методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячиларининг касбий компетенциясини ривожлантириш жараёнининг услубий-дидактик таъминоти интегратив ва дифференциал ёндашувларга таяниб, мутахассис шахсини шакллантириш соҳаларини субъект-субъект муносабатларига асосланган мустақил ўз-ўзини ривожлантиришнинг қайта алоқаси ва узвийлигини таъминлаш асосида такомиллаштирилган;

мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячиларининг касбий компетенциясини ривожлантиришга йўналтирилган педагогик жараён модели интеллектуаллик ва коммуникативлик тамойилларига мувофиқ мутахассисликка нисбатан “Илк қадам” таянч дастури ва “Илмга йўл” вариатив дастурида белгиланган талаблар билан узлуксиз малака ошириш жараёнини ташкил этишнинг кооператив ҳамкорлиги асосида такомиллаштирилган;

малака ошириш жараёнида мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячиларининг касбий компетенциясини такомиллаштириш методикаси тизимли, фаолиятли ва шахсга йўналтирилган ёндашувлар асосида малака ошириш курсининг креатив муҳитни шакллантириш, изланиш ва тадқиқотчиликка шароит яратиш ҳамда шахсий ва касбий ўз-ўзини англаш жараёнида барқарорлик динамикасини детерминантлаштириш натижасида ривожлантирилган;

мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячиларининг касбий компетенциясини такомиллаштиришга йўналтирилган малака ошириш курсларининг интегратив мазмуни ижтимоий-педагогик фаолиятни ривожлантиришнинг инновацион ва рефлексив технологияларини тизимлаштириш ҳамда педагогларнинг ўз касбига нисбатан интернал ва экстернал мотивларини барқарорлаштириш имкониятларини кенгайтириш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячиларининг касбий компетенциясини такомиллаштиришнинг педагогик шарт-шароитлари, методик тизими ва модели такомиллаштирилган;

мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячиларининг касбий компетенциясини баҳолашнинг диагностик воситалари ишлаб чиқилган;

“Бўлажак педагогларни мактабгача таълим жараёнини лойиҳалаш ва бошқаришга тайёрлаш жараёнининг мазмуни” ҳамда илғор хорижий тажрибалар асосида инглиз тилида “The education system of developed countries” (Ривожланган давлатлар таълим тизими) номли методик қўлланмалар ишлаб чиқилган;

“Илк қадам” таянч дастури ва “Илмга йўл” вариатив дастурида белгиланган талаблар билан узлуксиз малака ошириш жараёнларини ташкил этишнинг кооператив жиҳати устуворлигини таъминлашга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқ этилаётган муаммога фалсафий ҳамда илмий-педагогик ёндашув, тадқиқот мақсади, объекти, предмети, вазифаларига мос келувчи методлар мажмуасидан фойдаланилганлиги, тажриба-синовга жалб этилган мактабгача таълим ташкилотлари сони талаб даражасида эканлиги, тажриба-синов натижалари статистик маълумотларга таянилганлиги ва математик-статистик жиҳатдан қайта ишланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги ҳамда мавзу юзасидан чоп этилган ишлар мазмунига кўра тасдиқланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиларининг касбий компетенциясини такомиллаштиришга йўналтирилган муайян педагогик тизимнинг назарий методологик ва амалий методик асосларини бойитишда ҳамда мазкур жараённи такомиллаштиришнинг инновацион модели, ушбу моделнинг педагогик-психологик асослари, уни амалиётда қўллашнинг қулай шарт-шароитлари, ишлаб чиқилган илмий тавсиялар ва улардан фойдаланиш билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, улардан мактабгача таълим мазмуни ва сифатига қўйиладиган давлат талабларини ишлаб чиқишда, олий таълим муассасаларида мактабгача педагогика, болаларни мактаб таълимига тайёрлаш, мактабгача таълимда қиёсий педагогика, мактабгача таълимда педагогик дигностика, тарбиячининг педагогик компетентлиги ва креативлиги курслари мазмунини бойитишга, малака ошириш ва қайта тайёрлаш курслари дастурларини такомиллаштиришга, мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячиларининг иш тажрибасини ривожлантиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячиларининг касбий компетенциясини такомиллаштириш юзасидан олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

тарбиячиларнинг касбий компетенциясини такомиллаштириш мезонлари ва даража кўрсаткичларини аниқлаштириш, мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячиларининг касбий компетенциясини такомиллаштириш моделининг мазмунли блокинни лойиҳалаш, “Илк қадам” таянч дастури ва “Илмга йўл”

вариатив дастурида белгиланган талаблар билан узлуксиз малака ошириш жараёнларини ташкил этишнинг кооператив жиҳати устуворлигини таъминлашга доир таклиф ва тавсиялардан “Узлуксиз маънавий тарбия Концепцияси”ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Мақтабгача таълим вазирлигининг 2020 йил 27 ноябрдаги 02-02/2-1407-сон маълумотномаси). Натижада, мақтабгача таълим ташкилотлари тарбиячиларининг ўқув-услугий ва ижтимоий педагогик фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

мақтабгача таълим ташкилотлари тарбиячиларининг касбий компетенциясини такомиллаштириш тузилмасини аниқлаштириш, мутахассис шахсининг ривожланиш соҳаларини субъект-субъект муносабатларига асосланган мустақил ўз-ўзини ривожлантириш жараёнлари билан қайта алоқасини таъминлашга доир таклифлари асосида “Таълимни модернизациялаш жараёнида мақтабгача таълим ташкилотлари учун педагог-тарбиячиларни тайёрлаш ва касбий компетентлигини ривожлантириш” мавзусида семинар-тренинг дастури ва унинг методик таъминоти ишлаб чиқилган (Мақтабгача таълим вазирлигининг 2020 йил 27 ноябрдаги 02-02/2-1407-сон маълумотномаси). Натижада, мақтабгача таълим ташкилотлари тарбиячилари учун ташкил этиладиган семинар-тренинглар сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

мақтабгача таълим ташкилотлари тарбиячиларининг касбий компетенциясини такомиллаштиришнинг методик шартларини аниқлаштириш, креатив муҳитнинг қарор топганлиги, изланишли-тадқиқотчилик компетенциясининг ривожланганлиги, шахсий ва касбий ўз-ўзини англаш жараёнлари динамикасининг барқарорлиги детерминантлигини белгилашга доир амалий таклиф ва тавсиялардан №А-5-37 “Мақтабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ва бошланғич синф ўқувчиларида дастлабки математик билимларни шакллантиришга мўлжалланган мультимедиа интеллектуал ўйинлар” (2015-2017 йй.) амалий лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Мақтабгача таълим вазирлигининг 2020 йил 27 ноябрдаги 02-02/2-1407-сон маълумотномаси). Натижада, мақтабгача таълим ташкилотлари тарбиячиларининг методик компетентлигини ривожлантириш самарадорлигини оширишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 8 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 27 та илмий иш чоп этилган, шулардан 1 та монография, 1 та методик қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 6 таси республика 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, 138 саҳифа матн, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, илмий муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари баён қилинган, объекти ва предмети аниқланган, фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, тадқиқот иши тузилиши ва ҳажмига доир маълумотлар ёритилган.

Диссертациянинг **“Мақтабгача таълим ташкилотлари тарбиячиларининг касбий компетенциясини такомиллаштиришнинг назарий-методологик асослари”** деб номланган биринчи бобда мақтабгача таълимни сифат жиҳатдан такомиллаштириш, унга қўйилган замонавий талаблар, мазкур таълим ташкилотларида педагогик жараёнларни ташкил этиш мазмуни ёритилган. Шунингдек, мақтабгача таълим ташкилотлари тарбиячиларининг касбий компетенциясини такомиллаштиришнинг ижтимоий-педагогик зарурати, мақтабгача таълим ташкилотлари тарбиячиларини касбий компетенциясини такомиллаштириш тенденциялари таҳлил қилинган, педагогик-психологик хусусиятлари ёритиб берилган.

Мақтабгача таълим соҳасидаги ислохотлар мақтабгача таълим ташкилотлари тарбиячиларининг касбий компетенциясини такомиллаштириш механизмларини, яъни бу жараёни анъанавий услубларидан воз кечиб, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт талабларига мос келадиган, демократик принципларга асосланган таълим-тарбия жараёнини самарали ташкил этишни тақозо этмоқда. Бунда мақтабгача таълим жараёни субъектлари фаолиятини ташкил этиш ва уларни мувофиқлаштириш асосида таълим сифатини такомиллаштиришнинг механизмларини аниқлаш, компетенциявий ёндашувлар асосида мувофиқлаштириш ва амалиётга жорий этиш вазифаларини ҳам қўймоқда.

Мақтабгача таълим ташкилотлари тарбиячиларининг касбий компетенциясини ривожлантириш ва такомиллаштириш масалалари олимларнинг доимий диққат марказида бўлган. Бир қатор адабиётларда касбий компетентликка оид қарашлар ва таърифлар берилган. Жумладан, Н.В.Тарасова компетенция тушунчасини муаммони ҳал этиш учун билим ва вазият, билим ва ҳаракат ўртасида алоқадорликни таъминлаш имконини берадиган билим, қадриятлар, лаёқатларга асосланган умумий қобилият сифатида талқин этади¹.

В.И.Андреевнинг таъкидлашича, компетенция – бу маълум ўқув, касбий ва бошқа комплекс масалаларни ечишда намоён бўлувчи, ривожланиб боровчи интеграл кўрсаткич бўлиб, шахснинг (ижобий мотивация, билим,

¹ Тарасова Н.В. Стратегия реализации компетентностного подхода в образовании: историко-педагогический аспект [Текст] // Содержание, формы и методы обучения в высшей школе: аналит. обзоры по основным направлениям развития высшего образования. - М., 2007. - Вып. 1.

маҳорат, иқтидор ва ижодий фаолият тажрибасини ўз ичига олувчи) тайёргарлик даражасидир¹.

М.А.Умаралиеванинг фикрича, компетенция – бу ўзининг касбий маҳоратини мукамал ривожлантирган, дарс жараёнини нафақат лойиҳалаштирадиган, балки уни бошқара оладиган, таълим ислоҳотларини, замон талабларини, инновацияларни тез илғаб, уни дарс жараёнида самарали қўллаш олишдир².

Бизнинг фикримизча эса, компетентлик – инсоннинг мавжуд билим ва ҳаётий тажрибаларига таянган ҳолда маълум бир муаммони ҳал этишга доир қобилиятидир деган ҳулосага келиш мумкин. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, компетентлик тушунчасига берилган аксарият таърифлар, илғор қарашлар касбий таълим, касбий фаолият билан боғлиқликда баён этилган. Бироқ, мактабгача таълим билан боғлиқликда мазкур тушунча инновация тавсифига эга бўлганлиги сабабли, унинг моҳиятини аниқлаштиришга алоҳида эҳтиёж мавжуд.

Юқоридаги фикрларга таянган ҳолда биз тарбиячининг касбий компетенциясига қуйидагича таъриф бердик.

Тарбиячининг касбий компетенцияси - бу ўзининг касбий маҳоратини ривожлантиришга интиладиган, “Илк қадам” давлат ўқув дастури асосида ўқув-тарбиявий фаолиятни самарали ташкил этадиган ва давлат дастури асосида ўзининг вариатив дастурларини ярата оладиган, тарбияланувчиларни мактабга сифатли тайёрлайдиган, таълим тизимидаги ислоҳотларга масъулият билан ёндашиб ўрганадиган ва уни амалиётда қўллаш оладиган, мустақил фикрини баён эта оладиган шахс.

Мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячиларининг касбий компетенциясини такомиллаштириш мураккаб жараён бўлиб, унда тарбиячиларнинг илмий-назарий, психологик-педагогик, илмий-методик тайёргарлиги, ғоявий-сиёсий ва маънавий-ахлоқий етуклиги, мазкур соҳага тўла-тўқис тайёргарлигини белгилаши тушунилади.

Шунга қарамасдан бугунги кунда мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячиларини тайёрлашда қуйидаги камчиликлар мавжуд эканлиги аниқланди:

тарбиячиларнинг касбий, илмий-методик тайёргарлиги мактабгача таълим мазмуни ва унинг илмий-методик таъминотидан орқада эканлиги;

мутахассисларни тайёрлашда уларнинг ижодий ва ижтимоий фаоллиги, ғоявий-сиёсий етуклиги, касбий қизиқиши, коммуникативлиги ва когнитивлигини ривожлантиришга нисбатан замонавий ёндашилмаётганлиги;

мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиларини тайёрлаш тизимининг илмий-назарий ҳамда методик жиҳатларига етарлича эътибор қаратилмаётганлиги, бу жараёнда замонавий педагогик ва ахборот-

¹ Андреев В.И. Педагогика творческого саморазвития. Инновационный курс. Книга 1.-Казань: Изд.-во Казанского ун-та,1996.-570 с.

² Умаралиева М.А. Умумий ўрта таълим муассасалари ўқитувчиларининг касбий компетентлигини ривожлантириш. Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). ... дисс. авт.– Т., 2020. – 10-б.

коммуникацион технологиялардан фойдаланиш учун зарур бўлган методик билим, кўникма, малака ва компетенцияларни эгаллашга инновацион ёндашилмаётганлиги кабилар.

Маълумки, мактабгача таълим ташкилотларида ўқув-тарбия жараёни мақсадларини аниқлаш муайян ички ва ташқи шарт-шароитларни ўрганиш, кадрларнинг салоҳиятини ошириш, касбий компетентлигини ривожлантириш ва такомиллаштириш билан белгиланади. Бунда мактабгача таълим ташкилотидаги ижтимоий-педагогик муҳит ҳамда реал таълим жараёнини аниқловчи Давлат талаблари ва методик мажмуалар алоҳида аҳамиятга эга. Булар ташқи талаблар бўлиб, мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиларининг аниқ ва мавжуд имкониятлари билан мос келиши таълим-тарбия жараёни вазифаларини белгилаш учун меъёрий асос бўлиб хизмат қилади. Бироқ, улар мактабгача таълим ташкилоти таълим-тарбия жараёнининг мақсадларини тўлиқ ойдинлаштирмайди.

Замонавий мактабгача таълимнинг асосий мақсади қуйидагиларда намоён бўлади: мактабгача таълим ташкилотлари таълим-тарбия жараёни тизимини янада такомиллаштириш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш; мактабгача таълим ташкилотлари тармоғини кенгайтириш; мактабгача таълим ташкилотларини малакали ва маҳоратли педагог-тарбиячилар билан таъминлаш; илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда болаларни ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожлантириш шароитларини яратиш; мактабгача таълим сифатини ошириш, мактабгача таълим ташкилотларида болаларни мактабга сифатли тайёрлашни тубдан яхшилаш, таълим-тарбия жараёнига жаҳон амалиётида кенг қўлланиладиган замонавий таълим дастурлари ва технологияларини жорий этиш кабилардан иборат.¹

Мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячиларининг касбий компетенциясини такомиллаштиришга йўналтирилган ўқув жараёнининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, мазкур жараёнда мактабгача таълим ташкилоти тарбиячилари касбий фаолияти учун зарур бўлган билимлар ва асосий тушунчалар ҳақида етарлича маълумот берилмаяпти. Мактабгача таълим педагогикасига оид билимлар унинг амалиётидан узилиб қолган. Бу эса мактабгача таълим самарадорлигини таъминлашга салбий таъсир кўрсатмоқда. Мактабгача таълим сифати ва самарадорлигини таъминлашга эришиш учун юқори малакали педагог-тарбиячилар ва бошқарув кадрлар, раҳбар ходимлар тайёрлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

Диссертациянинг **“Мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячиларининг касбий компетенциясини такомиллаштиришнинг мазмуни ва методикаси”** деб номланган иккинчи бобида мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячиларининг касбий компетенциясини такомиллаштириш тамойиллари, уларни касбий-педагогик фаолиятга

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги “2017–2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2707-сонли қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 1-сон.

тайёрлашнинг дидактик имкониятлари ва мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячиларининг касбий компетенциясини такомиллаштириш модели ишлаб чиқилган. Шунингдек, мазкур бобда мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиларининг касбий компетенциясини такомиллаштиришда тизимли, инновацион, компетенциявий ва шахс-фаолият ёндашувининг имкониятлари таҳлил қилинган. Мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиларининг касбий компетенциясини такомиллаштириш жараёнининг методлари, шакллари ва воситалари ёритиб берилган.

Мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячисининг касбий-педагогик тайёргарлиги дейилганда, унинг илмий-назарий, психологик-педагогик, илмий-методик тайёргарлиги, ғоявий-сиёсий ва маънавий-ахлоқий етуклиги тушунилади. Мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиларининг касбий-педагогик тайёргарлиги муайян таркибий қисмларга эга бўлиб, улар бир-бирини тўлдиради ва мактабгача таълим ташкилотлари таълим-тарбия жараёнида мунтазам ривожланади. Мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиларининг олий таълим муассасаларида эгаллаган билим, кўникма, малака ҳамда касбий компетенциялари уларнинг амалий педагогик фаолиятларида такомиллашади. Шунинг учун ҳам мактабгача таълим ташкилоти тарбиячисининг касбий-педагогик тайёргарлигини таъминлашда олий таълим муассасалари таълим-тарбия жараёнларини самарадорлигини ошириш муҳим аҳамиятга эга саналади.

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ўзгаришлар, ривожланиб бораётган бозор иқтисодиёти муносабатлари, илм-фан, техника, технологияларнинг ривожланиши ва ахборотларнинг тезкор алмашинуви жараёнида мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячиларини илмий-методик жиҳатдан қуроллантириш бугунги кунда алоҳида долзарблик касб этмоқда.

Олий педагогик таълим жараёнида мактабгача таълим олдида қўйилган ижтимоий буюртмани ҳисобга олган ҳолда, бўлажак тарбиячиларнинг илмий-методик билимларини тизимли тарзда ривожлантириш уларнинг мустақил билим олишларини ташкил этиш орқали таъминланади. Олий педагогик таълим жараёнида талабаларни энг замонавий билимлар билан қуроллантириш, уларга тарбиячининг касбий компетенциясини ривожлантиришга йўналтирилган фаолият сирларини ўргатиш, касбий-педагогик тайёргарлини таъминлашда эса инновацион ёндашувдан фойдаланиш зарурияти юқори саналади.

Мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиларини ташхислаш методикалари, педагогика-психологияга оид билимларни эгаллаганликлари бир қатор ҳолатларда намоён бўлади: педагогика, психологияга оид билим, кўникма ва малакаларнинг шаклланганлигида; мактабгача ёшдаги болаларнинг рухий-физиологик ҳолати ҳақида умумий маълумотга эгаллигида; тарбияланувчиларнинг ривожланганлик ва мактабга тайёрлик даражаларини ташхислаш методикаларини ўзлаштирганлигида;

тарбияланувчиларнинг қизиқишлари, эҳтиёжлари ва майлларини ўз вақтида аниқлаш усулларини билишида ва ҳ.к.

Мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиларининг таълим-тарбия жараёнини самарали ташкил эта олиш маҳорати қуйидагиларда ўз ифодасини топади: тарбияланувчиларнинг ёш хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда уларни маънавий-ахлоқий шакллантириш имкониятларини билиши; тарбияланувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш бўйича тадбирлар режасини ишлаб чиқиши ва уларнинг сценарийсини туза олиши; тарбияланувчиларни марказлар бўйича билимини ривожлантиришга йўналтирилган педагогик жараёнларни ташкиллаштириш усул ва воситаларидан фойдаланиши; тарбияланувчиларни табиат билан яқиндан таништириш шакл ва методларини билиши; машғулотлар ўтадиган хонани жиҳозлай олиши; гуруҳдаги болаларнинг гигиеник ҳолати ва саломатлигини назорат қила олиши; тарбияланувчилар билан саёҳатлар уюштира олиши; республика миқёсида нишонланадиган байрамлар арафасида гуруҳда ва мактабгача таълим ташкилотида тантанали байрам кечаларини ташкил эта олишида.

Шунингдек, МТТ тарбиячилари малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларида иштирок этиш орқали ўсибкелаётган ёш авлоднинг маънавий-ахлоқий, эстетик ва иқтисодий ривожланишига оид умумий қоидалар ҳақидаги янги маълумотларни эгаллаши, тарбияланувчиларнинг ички дунёсини тушуниш, уларнинг потенциал имкониятларини билиб олишнинг самарали усул ва воситаларидан фойдаланишга йўналтирилган касбий компетенцияларни такомиллаштириш ўзига хос аҳамиятга эга.

МТТ тарбиячиси фаолият мезонларини ўзлаштирган бўлиши ва педагогик амалиётда ва касбий-педагогик фаолиятида улардан самарали фойдалана билиши муҳим саналади. Қуйидаги жадвалда МТТ тарбиячисининг ваколат мезонлари келтириб ўтилган (1-жадвал).

1-жадвал.

МТТ тарбиячисининг фаолият йўналиши бўйича ваколат мезонлари

Йўналиш	Ваколат мезонлари	Мувофиқлик кўрсаткичлари
Ўқув фаолияти	яхлит педагогик жараённи амалга ошириш; ривожланиш муҳитини яратиш; болалар ҳаёти ва соғлиғини сақлашни таъминлаш.	мактабгача ёшдаги болаларни тарбиялашнинг мақсадлари, вазифалари, мазмуни, принциплари, шакллари, усуллари ва воситаларини билиш; билимларни самарали яратиш қобилияти; ўқув дастурига мувофиқ кўникмалар; мактабгача ёшдаги болаларнинг асосий фаолиятини бошқариш қобилияти; мактабгача ёшдаги болалар билан ўзаро алоқа қилиш қобилияти.
Ўқув-услубий фаолият	ўқув ишларини режалаштириш; ютуқлар таҳлили асосида ўқув фаолиятини	ўқув дастури ва болаларнинг турли хил фаолият турларини ривожлантириш усулларини билиш; яхлит педагогик жараённи лойиҳалаш,


	лойҳалаштириш натижаси	режалаштириш ва амалга ошириш қобилияти; илмий технологиялар, педагогик мониторинг, болаларни ўқитиш ва ўқитиш технологияларига эга бўлиш.
Ижтимоий- педагогик фаолият	ота-оналарга маслаҳат; болаларни ижтимоийлашиши учун шароит яратиш; болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш.	бола ҳуқуқлари ва катталарнинг болаларга нисбатан мажбуриятлари тўғрисидаги асосий ҳужжатларни билиш; ота-оналар, мактабгача таълим ташкилоти мутахассислари билан тушунтириш, педагогик ишларини олиб бориш қобилияти.

Мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячиларининг касбий компетенциясини такомиллаштиришда узвийликнинг дидактик шарт-шароитларини амалга оширишнинг инновацион модели ишлаб чиқилган ва мазмунан такомиллаштирилган.

МТТ тарбиячиларининг касбий компетенциясини такомиллаштиришнинг инновацион модели – бу қўшимча таълим тизимида тарбиячиларнинг касбий аҳамиятга эга бўлган шахсий сифатларини ривожлантириш, яъни нафақат педагогик фаолиятни амалга ошириш учун тарбиячиларнинг касбий тайёргарлигини такомиллаштириш, балки уларнинг ўзини-ўзи ривожлантириш ва касбий компетентлилик йўналишидаги эҳтиёжларини қондириш жараёнини ташкил этиш андозаси бўлиши зарур.

Мазкур модел асосида ташкил этиладиган тарбиячиларнинг касбий компетентлигини такомиллаштиришдаги узлуксизликка асосланган инновацион фаолиятнинг ўзига хос хусусиятлари, таркибий компонентлари (мақсадли, мазмунли ва натижавий)га мос узвийликни амалга ошириш кўрсатиб ўтилди. Натижавийлик компонентида тарбиячининг касбий компетенциясини такомиллаштириш методикаси даражалари (юқори, ўрта, паст) ва натижа (касбий компетентлиги такомиллашган мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиси) таъкидлаб ўтилди (1-расмга қаранг).

Олиб борилган тадқиқотлар натижаларига асосланиб, педагог-тарбиячиларнинг касбий компетенциясини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари сифатида қуйидагиларни ажратиш кўрсатиш мумкин: мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячиларининг психологик ва педагогик тайёргарлиги даражасини кўтариш; мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячиларининг касбий компетенциясини такомиллаштиришнинг мақсади ва методлари ҳамда таълим мазмунида психологиянинг ролини кучайтириш; касбий компетентликни такомиллаштиришда ўқитишнинг оддий ахборотлар билан таъминлаш шаклидан фаол шаклига, яъни муаммоли суҳбат услублари ёрдамида тушунча ва кўникмаларни шакллантиришга ўтиш; тарбиячининг касбий маҳорати ривожланишининг натижасини уларда ижодий, касбий ва шахсий салоҳиятининг яхлит такомиллашиши сифатида кўриб чиқиш; компетентли тарбиячининг шахсий позициясини таълим-тарбия жараёнининг субъекти сифатида шакллантириш.



1-расм. Мактабгача таълим ташкилоти тарбиячисининг касбий компетенциясини такомиллаштириш модели

Шунга кўра, тарбиячиларнинг касбий компетенциясини такомиллаштиришнинг инновацион моделини амалиётга татбиқ этиш жараёнларини касбий компетенциянинг асосий компонентларини ўзаро алоқасини ва уларнинг мантиқий изчиллигини таъминлашни назарда тутувчи жараён сифатида ташкил этиш муҳим ҳисобланади.

Диссертациянинг **“Мақтабгача таълим ташкилотлари тарбиячиларининг касбий компетенцияларини такомиллаштиришга йўналтирилган тажриба-синов ишлари”** деб номланган учинчи бобида мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиларининг касбий компетентлигини такомиллаштиришга йўналтирилган тажриба-синов ишларини ташкил этиш методикаси ишлаб чиқилган, тарбиячиларнинг касбий фаолиятга тайёргарлик даражаси аниқланган ҳамда тажриба-синов ишларининг натижалари келтирилган.

МТТ тарбиячиларининг касбий тайёргарлигини таъминлашга йўналтирилган амалий ишларни ташкил этиш жараёнида респондентлар орасида савол-жавоблар, давра суҳбатлари ҳамда анкета сўровлари ўтказиш асосида уларда касбий компетенцияни такомиллаштириш бўйича камчиликлар мавжудлиги аниқланди.

Тажриба-синов ишлари Фарғона вилояти Қўқон шаҳридаги 18, 46, 49-сонли; Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳридаги 14, 94-сонли, Наманган вилояти Наманган туманидаги 3, 8, 20-сонли, Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ тумани 31-сонли ва Нурафшон шаҳар 3-сонли мактабгача таълим ташкилотларида амалга оширилди. Уларда жами 402 нафар респондент-тарбиячилар иштирок этди.

Тажриба-синов ишини ўтказишдан мақсад респондентларни касбий компетенциясини такомиллашганлик даражасини аниқлашдан иборат.

Тажриба-синов ишини ташкил этиш жараёнини қайд этувчи босқичда МТТ таълим-тарбия жараёнида фойдаланиладиган турли методикаларни тадбиқ этдик.

Мазкур жараёнда экспертларнинг хулосаларига таянган ҳолда, мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиларининг касбий компетенциясини такомиллаштиришда қуйидаги вазифаларни бажариш назарда тутилди:

1. МТТ тарбиячилари орасида анкета сўровномаларини ташкил этиш асосида уларда мавжуд бўлган касбий кўникмаларнинг даражасини аниқлаш.

2. МТТ тарбиячиларига илғор хорижий мамлакатлар мактабгача таълим тизими тажрибалари ҳақида маълумот бериш ва уларни амалиётга тадбиқ этиш бўйича тавсиялар бериш.

3. МТТ тарбиячиларига ўзаро тажриба алмашиш ва амалиётга тадбиқ этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

4. Тарбиячиларнинг мактабгача таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар мазмунини англаб олишлари учун қулай педагогик шарт-шароитлар яратиш.

